



"InFinBank" АЖ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«InFinBank» АЖ
Кенгаш Раиси

Лавозими

А. Н. Ахмаджанов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

«27» 12 2023 йилдаги 105-
сонли баённомаси)

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«InFinBank» АЖ
Бошқаруви Раиси

Лавозими

Б.Н. Бурханов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана



(“InfinBank” АЖ Бошқарувининг
2023 йил “11” 12 даги

“10”-сон Баённомаси)
Рўйхатдан ўтказиш рақами: №ПСК-57
2023 йил “10” 01.

**“INFINBANK” АЖ Да
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОХАСИДА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА
ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР БИЛАН САМАРАЛИ
ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

ПСК - № 57

Хужжатдаги барча маълумотлар конфиденциал бўлиб, "InFinBank" АЖ нинг мулки
хисобланади. Ушбу хужжат ва унинг иловалари Комплаенс назорати департаментининг
олдиндан рухсатисиз тўлиқ ёки қисман такрорланиши ёки Банк ходими бўлмаган учинчи
шахсларга берилиши мумкин эмас. Ҳар қандай ўзгартиришлар ушбу хужжатнинг асл
нусхасига киритилади.



"INFINBANK" АЖ да коррупцияга қарши курашиш
сохасида мувофиқлаштирувчи органлар ҳамда
вазирлик ва идоралар билан самарагали ҳамкорлик
қилиш тартиби түгрисида
НИЗОМ

-сонли
тахрир

Тасдиқланған:
27.12.2023

Амал қилиш муддати:
26.12.2027

Бет 2 dan
15

Мундарижа:

Үзгаришларни рўйхатга олиш ва рақаси.....	3
1. Максад.....	4
2. Кўлланилиш соҳаси	4
3. Ҳаволалар.....	5
4. Атамалар ва тарифлар.....	5
5. Жавобгарлик	6
6. Жараён	12
7. Саклаш.....	12
8. Хулоса.....	13
9. Иловалар.....	13
10. Тарқатиш.....	13
11. Таништиришларни қайд этиш ва рақаси.....	14



"INFINBANK" АЖ да коррупцияга қарши курашиш
сохасида мувофиқлаштирувчи органлар ҳамда
вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик
қилиш тартиби түғрисида
НИЗОМ

-сонли
тахрир

Тасдиқланды:
27/12/2023

Амал қилиш муддаты:
26/12/2027

Бет 3 dan
15

Үзгартыришларни рўйхатга олиш ва рақаси

Үзгартыриш №	Үзгартыриш мазмуни	Маъкулланган	Кучга кириш санаси	Хужжат учун масъул шахс имзоси

—сонли
тахдир

Тасдиқланди:
27/12/2023

Амал қилиш муддати: Бет 4дан
26/12/2027

15

1. Мақсад

1.1. Ушбу Низом “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ: “InfinBank” АЖ (кейинги ўринларда - Банк) ва унинг филиаллари (кейинги ўринларда - Банк филиаллари) томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари (кейинги ўринларда - мувофикаштирувчи органлар) ва Вазирлик ва идоралар (кейинги ўринларда – Вазирлик ва идоралар) билан ҳамкорлик қилишга доир масалаларни тартибга солади.

Мувофикаштирувчи органлар, Вазирлик ва идоралар билан банк ўртасидаги ҳамкорликни Коррупцияга қарши курашиш бўйича Комплаенс назорати департаменти таъминлайди.

1.2. Банкнинг мувофикаштирувчи органлар, Вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлиги Банк фаолиятида қонунийликни таъминлаш, хукуқбузилишиларга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, Банкнинг ўз вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириши мақсадида амалга оширилади.

1.3. Мувофикаштирувчи органлар билан ҳамкорлик қўйидаги асосий шакллarda амалга оширилади:

- маълумот алмашинуви;
- асосли хукуқбузилишлар ҳақида хабар бериш;
- вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликдаги коррупцияга нисбатан муросасизлик тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиш;
- мувофикаштирувчи органлар ташаббусига кўра мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан ҳамкорликни амалга оширишнинг бошقا шакллари ҳам белгиланиши мумкин.

2. Кўлланиш соҳаси.

2.1. Мазкур ҳужжат «InFinBank»АЖ (бундан бўён матнда – “Банк”) да Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари (кейинги ўринларда - мувофикаштирувчи органлар) ва Вазирлик ва идоралар (кейинги ўринларда – Вазирлик ва идоралар) билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

—сонли
тахрир

Тасдиқланди:
24/12/2023

Амал қилиш муддати: **Бет 5дан**
26/12/2027 15

3. Ҳаволалар.

3.1. Ушбу Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мувофик коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ҳалқаро Банклар тавсиялари ва илгор дунё тажрибаси, жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими – Талаблар ва уларни кўллашга доир тавсиялар” ҳалқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Атамалар ва таърифлар.

4.1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳолат – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа қўринишдаги мулк ва мулкий ҳукуклар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш учун қилинган коррупциявий ҳаракат.

коррупциявий ҳукуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси конунчилигига жавобгарлик белгилаб кўйилган коррупция аломатларига эга хатти- ҳаракат.

коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли бўлинмалар (кейинги ўринларда Ваколатли бўлинма) – Комплаенс назорат департаменти, Банк

-сонли
тахрир

Тасдиқланди:
26/12/2023

Амал қилиш муддати: Бет 6дан
26/12/2027 15

хавфсизлиги департаменти, Ички аудит департаменти, Юридик департамент.

5. Жавобгарлик

5.1. Банкнинг мувофиқлаштирувчи органлар билан маълумот алмашинуви доимий асосда куйидаги шаклларда амалга оширилади:

- мувофиқлаштирувчи органлар томонидан ўтказилаётган текширувлар, суриншириув ва тергов доирасида мувофиқлаштирувчи органнинг ёзма сўровига жавобан маълумотлар ва хужжатлар нусхаларини тақдим этиш;
- тегишли кўшма мажлислар, ишчи гурухлар йигилишлари ва маслаҳатлашувларда иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган холда ўзаро қизиқиши билдирилган масалалар бўйича статистик, ахборот материаллари, услугубий тавсиялар билан алмашиш.

5.2 Маълумот алмашинуvida давлат сири, банк сири, тижорат сири ва бошқа конфиденциал маълумотлар Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини тўғрисида”, “Банк сири тўғрисида”, “Тижорат сири тўғрисида” ти қонунлари ва бошқа қонун хужжатлари, Банк ички меъёрий хужжатларига риоя қилган холда берилади.

5.3. Банк ходимлари, мижозлари ва контрагентлари (ёки уларнинг вакиллари) Банк ва унинг филиалларидаги ўзларига маълум бўлиб қолган, содир этилган ёки содир этилиши режалаштирилаётган хукуқбузилишлар ҳакида шу куннинг ўзида маҳсус алоқа каналлари ёки тўғридан-тўғри Ваколатли бўлинмаларига хабар бериши лозим.

5.4. Олинган хабарлар келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida кўриб чиқилади.

5.5. Коррупциявий ҳолат хусусида маҳсус алоқа каналлари орқали ёки Ваколатли бўлинмаларга тўғридан-тўғри келиб тушган мурожаатларни ўрганиш учун Ваколатли бўлинмалар жалб этилади ва ички хизмат текшируви ўтказилади.

5.6. Ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра мазкур ҳолат хақикатда коррупциявий ҳолатлиги аниқланса ва бу коррупциявий хукуқбузилиши деб топилса, Ваколатли бўлинмаларнинг хизмат текшируви натижалари тегишли хужжатлар билан бирга хукукий баҳоланиши ва хулоса олиниши учун Юридик департаментга мурожаат қилади.

5.7. Мурожаатга мониторинг ва назорат тадбирлари якуни бўйича тузилган ўрганиш ва таҳлил натижаси бўйича маълумотномалар, текшириш натижаси бўйича далолатномалар, айбор шахсларнинг тушунтиришлари, Банк ходимлари, мижозлари ва контрагентлари (ёки уларнинг вакиллари)нинг қўрсатмалари, хукуқбузилиш фактини тасдиқловчи бошқа далиллар илова қилинади.

5.8. Хукуқбузилиш фактлари ўз тасдигини топгач, шунингдек хукуқбузилиш

**"INFINBANK" АЖ да коррупцияга қарши курашиш
соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар хамда
вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

—сонли
тахрир

Тасдиқланди:
27.12.2023

Амал қилиш муддати: **Бет 7дан**
26.12.2027 15

факти бўйича етарли далиллар ва маълумотлар тўплангач, уч иш куни ичидаги Банк раҳбариятига билдиришнома ва унга илова қилинган далиллар ва маълумотлар кирилади:

- Банк Бошқарув Раисига - Банк ва унинг филиаллари ходимлари, корпоратив маслаҳатчилари, фуқаролик-хуқукий шартнома асосида жалб этилган мутахассислар томонидан содир этилган/этилаётган хукуқбузиши фактлари ҳақида;
- Банк Кузатув кенгашига - Банк акциядорлари, Банк Кузатув кенгаши ва унинг кўмита ва комиссиялари вакиллари Кузатув кенгашига бўйсунадиган таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан содир этилган/этилаётган хукуқбузиши фактлари ҳақида.

5.9. Киритилган билдиришномалар тегишлича Банк Бошқарув Раиси, Банк Кузатув кенгаши раиси томонидан кўриб чиқилиб, розилик устхати (резолюция) кўйилганидан сўнг, бу ҳақида хабар бериш мажбурияти Ваколатли бўлинмаларнинг холосаси асосида Юридик департамент зиммасига юкланди.

5.10. Ваколатли бўлинмалар Банк ва унинг филиалларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, коррупциявий ва бошқа хукуқбузарликларга қарши ўз вақтида тезкор чораларни кўриш мақсадида мувофиқлаштирувчи органлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўяди.

5.11. Банк ходимлари, мижозлари ва контрагентлари (ёки уларнинг вакиллари) Банк ва унинг филиалларидаги ўзларига маълум бўлиб қолган, содир этилган ёки содир этилиши режалаштирилаётган хукуқбузишилар ҳақида, ушбу Низомнинг 5.3.-бандига амал қиласдан, ваколатли органларга ёки мувофиқлаштирувчи органларга шахсан хабар бериш хукуқига эга.

Бунда, Банк ва унинг мансабдор шахслари мазкур ходимларга нисбатан интизомий ва бошқа жазо чоралари қўлламаслигини кафолатлади.

5.12. Ваколатли бўлинма мониторинг ва назоратни амалга ошириш натижасида аниқланган хукуқбузишилар, шунингдек Банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиаллари, Банк ходимлари, мижозлари ва контрагентлари (ёки уларнинг вакиллари)нинг хукуқбузиши ҳақидаги хабарларни тезкорлик билан ўрганиб чиқади, зарур холларда кўшимча маълумотлар ва далиллар тўплайди, ушбу мақсадда мониторинг ва назорат тадбирларини (ходим фаолиятини кузатув остига олиш, ходимнинг хабар билан боялиқ ишларини текшириш, “сирли мижоз” тадбири, ходимнинг ҳамкаслари ҳамда у хизмат кўрсатган мижозлар ва контрагентлар вакилларидан тушунтиришилар олиш ва бошқалар) ўтказади.

5.13. Агар хукуқбузиши факти мувофиқлаштирувчи органларнинг топширигига асосан ёки улар билан ҳамкорликда ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирлари натижасида аниқланган бўлса, ушбу Низом 3.5.-бандига кўрсатилган хужжатлар мазкур органларга ёки мазкур органларнинг топширигига асосан бошқа

-сонли
тахрир

Тасдиқланди:
27/12/2023

Амал қилиш муддати: **Бет 8 dan**
26/12/2027

15

органларга ҳам юборилади.

5.14. Ваколатли бўлинималар Банк мурожаатларини ўрганишда мувофиқлаштирувчи органларга кўмаклашади, зарур холларда Банк раҳбарияти рухсати билан ушбу органларнинг текширув ўтказишини ташкил этади, хукуқбузилиш фактлари акс этган хужжатлар ва маълумотларнинг бут холда сакланишини таъминлайди.

5.15. Мувофиқлаштирувчи органнинг Банк мурожаатини ўрганиш натижаси бўйича қабул қилган қарорини олгач, агар ушбу қарорга нисбатан эътиrozи бўлмаса, қарорда бошка муддат белгиланган бўлмаса, қарорда кўрсатилган муддатларда ушбу қарор ижросини таъминлайди ҳамда бажарилган ишлар ҳакида мувофиқлаштирувчи органни 5 (беш) иш куни ичидаги хабардор килади.

5.16. Мувофиқлаштирувчи органнинг Банк мурожаатини ўрганиш натижаси бўйича қабул қилган қарорига нисбатан эътиroz бўлган тақдирда Банк юқори турувчи ташкилотларга мувофиқлаштирувчи орган қабул қилган қарори устидан белгиланган тартибда шикоят киритишга хақли.

5.17. Хукукни муҳофаза қилувчи орган томонидан Банк мурожаатини ўрганиб чиқиши бўйича жиноят иши кўзғатилган тақдирда Банк, жиноят-процессуал қонун хужжатларида белгиланган тартибда, хукукни муҳофаза қилувчи орган қарорига асосан айбланувчи, судланувчи сифатида жалб қилинган шахсларни қонун доирасида лавозимидан (ишдан) четлаштириш, жиноят иши доирасида даврони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш ва бошка процессуал хукуқ ва мажбуриятларни амалга оширади.

5.18. Банк ва унинг филиаллари, зарур холларда, мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорликда мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказиши мумкин.

5.19. Ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирлари қўйидаги масала ва йўналишлар бўйича ўтказилиши мумкин:

- ажратилган кредитларнинг мақсадли сарфланиши ва бошка банк хизматларининг турларини кўрсатилиши;
- Банк ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳамда хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун хужжатларига, шунингдек ушбу соҳадаги Банк ички меъёрий хужжатларига риоя килиниши.

5.20. Мониторинг ва назорат тадбирларининг вазифалари:

- Банк ва унинг филиаллари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш;
- Банк хизматларини кўрсатишнинг замонавий юқори стандартларининг жорий килиниши ва риоя килинишини таъминлаш, Банк хизматларини кўрсатишда коррупция ва бошка хукуқбузилиш ҳолатларига йўл кўймаслик;

**"INFINBANK" АЖ да коррупцияга қарши курашиш
соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар ҳамда
вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

—сонли
тахрир

Тасдиқланди:
27.12.2023

Амал қилиш муддати: **Бет 9дан**
26.12.2027 15

- Банк ходимларининг манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уни бошқариш;
- Банк ходимларининг мижозлар ва контрагентларнинг жиной фаолиятига шериклиги ҳолатларини аниқлаш ва уни хатарларини минималлаштириш;
- ҳалқаро коррупциявий жиноятлар, уларнинг молиявий ва иқтисодий асосларини фош қилиш, жиной схемалар турлари ва хусусиятлари ҳақида билим ва кўникмаларини ошириш.

5.21. Банк ходимларининг мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказиши уларнинг мустақиллигига, мониторинг ва назорат усулларини эркин танлашига, шунингдек ўз лавозим мажбуриятларини амалга оширишга тўскинилк қиласлиги лозим.

5.22. Ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиши учун тузиладиган ишчи гурухларга раҳбарлик ва мувофиқлаштириш масаласи ушбу ишчи гурухни тузган ташкилот томонидан ҳал этилади.

5.23. Банк ёки унинг филиали раҳбарининг фармойиши ёки мувофиқлаштирувчи органнинг сўровига асосан ишчи гурухга Банк ходимини юбориш тўғрисидаги Банк хати ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиши учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Ишчи гурухга юборилган ходимнинг етарли билим ва тажрибага эгалиги учун ушбу ходимни юбориш таклифини берган Банк ва унинг филиали таркибий бўлинмаси раҳбари жавобгардир.

5.24. Банк мувофиқлаштирувчи органнинг ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиши учун тузиладиган ишчи гурухларга Банк ходимини юбориш куйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

- мувофиқлаштирувчи органнинг сўровида кўрсатилган масалалар қонунга хилоф бўлса ёки сўровда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш қонун бузилишига олиб келса;
- мувофиқлаштирувчи органнинг сўрови ваколатсиз шахс томонидан имзоланган ёки сўровда текширилиши режалаштирилган юридик ва жисмоний шахсларнинг хукуқбузарлик содир этганлиги факти етарли асослантирилмаган бўлса;
- мувофиқлаштирувчи органнинг сўровида кўрсатилган масалалар Банк ваколат доирасига кирмаса;
- ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиши Банк ходимларининг хаёти ва соглиги учун бевосита хавф солиши яққол намоён бўлса;
- Ушбу аникланганд ҳолат Банк, унинг ходимлари, мижозлари ва жамият

**"INFINBANK" АЖ да коррупцияга қарши курашиш
соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар ҳамда
вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

-сонли
тахрир

Тасдиқланди:
27/12/2023

Амал қилиш муддати: Бет 10дан
26/12/2027 15

учун зарар келтирмаса.

5.25. Ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш якунлари бўйича тузиладиган хужжатлар (маълумотнома, далолатнома, баённома ва бошқалар), шунингдек қабул қилинадиган қарорлар конун хужжатларига ҳамда Банк ички меъёрий хужжатларига мувофиқ бўлиши лозим.

5.26. Ҳамкорликдаги мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш якунлари бўйича тузиладиган хужжатлар ва қабул қилинадиган қарорларнинг бир нусхаси ижро этиши ва тегишли чоралар кўриш учун Банкка юборилади.

5.27. Зарур холларда кўзгатилган жиноят иши доирасида суриштирув, тергов ўтказиш давомида суд ажрими, прокурор ёки терговчи қарорига асосан мувофиқлаштирувчи органлар текширув ўтказиш тўғрисида юборган сўровига мувофиқ ташкил этилган ишчи гурух томонидан хизмат текшируви, мониторинг ва назорат тадбирлари Банк ва унинг филиаллари раҳбарияти тегишли фармойиш асосида ўтказилиши мумкин. Ушбу фармойишда хизмат текшируви, мониторинг ва назорат тадбирлари максади, обьекти, предмети, муддатлари ҳамда жалб қилинадиган Банк ходимлари кўрсатилади. Ўтказиладиган хизмат текширувларида ишчи гурух аъзоси сифатида Ваколатли бўлинмалар, Юридик департамент ва тегишли тузилмалар ходимлари жалб этилади.

5.28. Коррупцивий ҳолат юзасидан мувофиқлаштирувчи органлардан Банкка келиб тушган хабарлар, сўровномалар ва тақдимномаларда коррупция, коррупцияга оид хукукбузарликлар, манфаатлар тўқнашуви масалалари хусусидаги хизмат текширувлари Ваколатли бўлинмалар иштирокида тузилган ишчи гурух томонидан ўтказилади.

5.29. Жиноят аломатлари мавжудлиги борасида бошқа масалалар юзасидан келиб тушган сўровнома/тақдимномалар бўйича хизмат текшируви Юридик департамент, Банк хавфсизлиги департаменти ва таркибий тузилмалар томонидан ўтказилади.

5.30. Юкорида назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида сўровнома ёки тақдимномалар келиб тушган тақдирда, унда кўрсатилган ҳолат қайси таркибий бўлинманинг функционал ҳамда лавозим йўрикномаси бўйича вазифасига кирса, ўша таркибий бўлинма бошчилигига тузилган ишчи гурух томонидан хизмат текшируви ўтказилади, мувофиқлаштирувчи органларга жавоб хати тайёрланиб, хизмат текшируви холосаси илова қилинган ҳолда юборилади.

5.31. Мувофиқлаштирувчи органлар ёки ваколатли идоралардан хизмат текшируви ўтказиш билан боғлик сўровнома/тақдимномаларида келтириб ўтилган талабларидан келиб чиқиб, хизмат текшируви жараёнида тегишли бошқарма вакиллари мажбурий тарзда жалб этилади.

5.32. Мувофиқлаштирувчи органлар текширув ўтказиш тўғрисидаги сўровига

"INFINBANK" АЖ да коррупцияга қарши курашиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар ҳамда вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

-сонли
тахрир

Тасдиқланди:
27/12/2023

Амал қилиш муддати: **Бет 11дан**
26/12/2027 **15**

мувофиқ Банк ходимлари мазкур органлар ўтказаётган текширувларга мутахассис ва эксперт сифатида жалб қилиниши, шунингдек хизмат сафарларига юборилиши мумкин ва текширувларга жалб қилинган Банк ходимлари текширувлар ва хизмат сафарларига иш вакти давомида қатнашади.

5.33. Банкнинг Вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилишдаги асосий вазифалари:

- хар қандай шакл ва кўринишдаги коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга қаратилган таргибот ва ташвиқот ишларида иштирок этиш;
- Банк ходимларни коррупцияга аралашини хавфини камайтириш;
- Банк нуфузини саклаш ва ҳимоя қилиш мақсадида коррупцияга олиб келадиган омиллар, шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;
- Амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда коррупцияга қарши курашишда очиклик ва шаффофикни таъминлаш;
- Коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда жавобгарлик ва жазонинг мукаррарлигини таъминлаш.

5.34. Банк вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилишда:

- тренинглар, семинарлар, давра сухбатлари (шу жумладан замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда масофавий онлайн курслар, вебинарлар) ўтказиш орқали Банк ходимларини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳукуқий онгини янада ошириш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз муносабати шаклантириш;
- вазирлик ва идораларни коррупцияга қарши курашишда ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича меморандум тартиблар имзоланиши;
- қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда коррупция ёки манфаатлар тўқнашуви холатларига аниқлик киритиш, олдини олиш бўйича сўровлар юбориши;
- зарур ҳолларда бошқа вазирлик ва идораларнинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш бўйича сўровларига қонун ҳужжатлари талаблари доирасида жавоб бериши мумкин.

5.35. Банк мувофиқлаштирувчи органлар билан ҳамкорликда умумий қизиқишлиар, манфаатлардаги мавжуд масалалар ва муаммоларни ҳамкорликда ўрганади, таҳлиллар ўтказади ва ҳамкорликдаги таҳлилий материаллар тайёрлайди.

Таҳлилий материалларни тайёрлашда ташаббускор тараф иккинчи тарафга зарур маълумотларни тақдим қилиш, шунингдек ҳамкорликдаги ишларни амалга оширишда мутахассис ажратиш тўғрисида сўров билан чиқишига хақли.

5.36. Банк ўз ходимларининг коррупцияга қарши курашиш,

—
онли
тхрир

Тасдиқланди:
27/12/2023

Амал қилиш муддати: Бет 12дан
26/12/2027 15

хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун хужжатлари ҳақидаги билимлари ва малакасини ошириш мақсадида мувофиқлаштирувчи органлар ва Вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тушунтириш ва тарғибот ишларини ташкил этади.

5.37. Бундай тушунтириш ва тарғибот ишлари:

- Банк ходимлари учун семинарлар, семинар-тренинглар, ўкув машғулотлари, давра сухбатлари ва конференциялар ўtkазиш;
- ҳамкорликдаги ўкув-кўргазма материалларини тайёрлаш, огохликни оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;
- мижозлар орасида турли викториналар ўtkазиш;
- Банк филиалларида коррупцияга қарши курашишини тарғиб қилувчи буклет ва банерлар жойлаштириш;
- Банкнинг веб-сайти ва оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиш, ижтимоий тармоқларда эълонлар бериш шаклида амалга оширилади.

6. Жараён

- 6.1. Жараён - корпоратив бошқарув жараёни;
- 6.2. Жараён - маркетинг ва маҳсулот талабларини аниқлаш жараёни;
- 6.3. Жараён- юридик шахсларнинг миллий валютадаги жорий (ҳисоб-китоб) операциялари;
- 6.4. Жараён - хорижий валютадаги жорий операциялар;
- 6.5. Жараён - жисмоний шахсларнинг муддатли ва жамгарма депозитларига (шу жумладан депозит ва жамгарма сертификатларига) хизмат кўрсатиш жараёни;
- 6.6. Жараён - савдони молиялаштириш операцияларини бошқариш жараёни;
- 6.7. Жараён - ходимларни бошқариш жараёни.

7. Саклаш

- 7.1. Мазкур услубиятнинг асл нусхаси Банкнинг Юридик Департаментида ракам остида сакланади.
- 7.2. Ушбу хужжатнинг PDF форматидаги электрон нусхаси танишиб чиқиш учун умумий фойдаланишда мвжуд. Ушбу хужжатнинг DOCX форматидаги электрон нусхаси кейинчалик ўзгартириш киритиши учун Юридик департаментининг Услубиёт бўлимида сакланади.

"INFINBANK" АЖ Да коррупцияга қарши қурашиш сохасида мувофиқлаштирувчи органлар ҳамда вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик қилиш тартиби түғрисида НИЗОМ

-сонли
тахрир

Тасдиқланди:
27/12/2023

Амал қилиш муддати:
26/12/2027

**Бет 13дан
15**

8. Хулоса.

8.1. Банк ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини амалга оширишда мазкур Низомга ва қонунга хилоф хатти-харакатларни амалга оширганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Банкнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортилади.

8.2. Мазкур Низом белгиланган тартибда Банк Бошқаруви карори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

9. Иловалар

9.1. Ушбу Низомда Иловалар мавжуд эмас.

10. Тарқатиш.

Хужжатларни бўлинмаларга тарқатиш рўйхати			Тўлдирилган сана «__» <u>20</u> йил		
ДСК №	1- сонли тахрир	Кучга киритилган сана: «__» <u>20</u> <u>йил</u>			
Тарқатилиши зарур бўлган хужжатнинг номи		"INFINBANK" АЖ Да КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОХАСИДА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТАРТИБИ НИЗОМ			
№	Хужжат юборилиши зарур бўлган бўлинманинг / мансабдор шахснинг номи				
1					
2					
3					
4					
Ишлиб чиқувчи имзоси		Методология бўлими бошлигининг имзоси			



**"INFINBANK" АЖ да коррупцияга қарши курашиш
сохасида мувофикалаштирувчи органлар ҳамда
вазирлик ва идоралар билан самарагали ҳамкорлик
қилиш тартиби түғрисида
НИЗОМ**

Тасдиқланди:
27/12/2023

Амал қилиш муддати:
26/12/2027

11. Таништиришларни қайд этиш варажаси.

**"INFINBANK" АЖ да коррупцияга қарши курашиш
сохасида мувофиқлаштирувчи органлар ҳамда
вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик
қилиш тартиби түғрисида
НИЗОМ**

-сонли
тахрир

Тасдиқланди:
27/12/2023

Амал қилиш муддати: Бет 15дан
26/12/2027 15

КЕЛИШИЛГАН:

О. Л. Нуманова

Ф.И.Ш.

имзо

» 20 й.

П.Т. Салимов

Ф.И.Ш.

имзо

» 20 й.

Д.М. Хўжаев

Ф.И.Ш.

имзо

» 20 й.

Б. С. Жураев

Ф.И.Ш.

имзо

» 20 й.

А.А. Имомов

Ф.И.Ш.

имзо

» 20 й.

Р.А. Каримов

Ф.И.Ш.

имзо

» 20 й.

Д.М. Адхамов

Ф.И.Ш.

имзо

» 20 й.

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Комплаенс назорати
департаменти директори
в.б.

Лавозими

М.А.Сабирджанова

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

Хужжатнинг ҳақиқийлиги:

"27" 12 2023 йилдан "26" 12 2024 йилгача

Узайтирилди "—" 20 —

Муддати тугаганидан сўнг ҳолати 20 —

Сана

Хужжатни бошқариш учун жавобгар
шахснинг имзоси

Хужжат нусхаси № _____

"—" 20 — й.

"—" —

(хужжатни юбориша уни
бошқариш учун масъул
бўлган шахснинг имзоси)

имзо

сана



«Invest Finance Bank»
акциядорлик жамияти



ISO 9001:2015

2023 йил “06” декабрь

ЮРИДИК ХУЛОСА № ЮЗ-28

Юридик департамент томонидан "INFINBANK" АЖ да "Коррупцияга қарши курашиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар ҳамда вазирлик ва идоралар билан самарали хамкорлик қилиш тартиби түғрисида" Низом лойиҳаси ҳукуқий экспертизаси ўтказилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти түғрисида” ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳа “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар түғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 05.04.2000 йилда 916-сон билан рўйхатга олинган) нинг талабларига жавоб беради.

Юридик департамент
директори

Ш.К. Шаропов

Методология бўлим
бошлиги

Р.Р. Якубов